ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУШВАҚТОВ ҲАКИМ АБДИЛХАҚОВИЧ

МОЛЕКУЛЯР КЛАСТЕРЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОМБИНАЦИОН СОЧИЛИШ СПЕКТРЛАРИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 535.012; 535.58; 537.9; 539.22; 539.63

Физика-математика фанлари докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по физико-математическим наукам

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract on physical-mathematical sciences

Хушвақтов Ҳаким Абдилхақович
Молекуляр кластерларнинг ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг комбинацион сочилиш спектрларида намоён бўлиши 3

Хушвактов Хаким Абдилхакович
Механизмы формирования молекулярных кластеров и их проявление в спектрах комбинационного рассеяния света……..…. 29

Hushvaktov Hakim Abdilhakovich
Mechanisms of molecular cluster formation and their manifestation in Raman spectra…… 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 61

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУШВАҚТОВ ҲАКИМ АБДИЛХАҚОВИЧ

МОЛЕКУЛЯР КЛАСТЕРЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОМБИНАЦИОН СОЧИЛИШ СПЕКТРЛАРИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM28 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (http://iplt.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	**Ташкенбаев Улуғбек Негматович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Жумабаев Абдувахид физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Неъматов Шерзод Каландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Дорошенко Ирина Юрьевна физика-математика фанлари доктори (Украина)
	Эшчанов Баходир Худойбергенович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 05 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54).

Диссертация автореферати 2021 йил «01» 05 куни тарқатилди.
(2021 йил «01» 05 даги 4 рақамли реестр баённомаси).

Х.Б.Ашуров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

И.Д.Ядгаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кейинги йилларда водород боғланиш махсус ўзаро таъсир тури сифатида, биомолекулаларнинг мавжуд бўлишида муҳим ўрин тутиши катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Зеро, унинг тебраниш спектрларида намоён бўлиши бугунги кунга қадар тўлиқ тушунтирилмаган. Бинобарин, дунёда модданинг конденсирланган ҳолатларида молекулаларнинг таъсирлашуви ва молекуляр кластерларнинг ҳосил бўлиш механизмлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган, конденсирланган ҳолатдаги биологик объектларда водород боғланишли молекуляр кластерларнинг шаклланиш механизмларини ва молекулалараро ўзаро таъсирларнинг умумий қонуниятларини ҳамда ёруғлик майдони таъсирида бу молекуляр кластерларнинг тебраниш спектрида намоён бўлишини аниқлаш соҳа тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, молекулалараро ва ички молекуляр водород боғланишга эга бўлган “Молекуляр суюқлик”лар табиатда кенг тарқалган бўлиб, водород боғланишни шаклланиши кимёвий ва биокимёвий жараёнларда, сувнинг ўзига хос хусусиятидан бошлаб, то биомолекулаларнинг махсус тузилишигача бўлган жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун сув, спиртлар, кислоталар ва шу каби оддий табиий системаларда водород боғланишли кластерларнинг шаклланиш жарёнлари бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурияти келиб чиқмоқда. Бу системалар водород боғланишнинг шаклланишини ва конденсирланган ҳолатдаги физиологик муҳим бирикмаларда молекулалараро ўзаро таъсир (МАЎТ)лар динамикасини ўрганишда табиий реал модель сифатида фойдаланиш имкониятини яратади. Ушбу системаларда водород боғланиш бўйича катта ҳажмдаги маълумотлар газ фазасида тебраниш спектрларини ўрганиш орқали олинган бўлиб, мавжуд назариялар суюқ ҳолат учун етарли маълумот олиш имконини бермайди. Шунинг учун комбинацион сочилиш (КС) спектроскопияси орқали суюқликларда МАЎТни ўрганишда янада каттароқ ҳажмдаги маълумотларни олиш имконияти бу соҳани илмий тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда КС ва инфрақизил (ИҚ) ютилиш усуллари билан конденсирланган муҳитда молекуляр кластерларнинг тузилиши ва шаклланиш қонуниятларини, МАЎТларнинг амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Илм-фан соҳасини замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштириш, илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш”[1] бўйича ишлар олиб борилиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу вазифаларга мос ҳолда, суюқ ва кристаллик ҳолатларида молекуляр кластерларнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш билан боғлиқ фундаментал ҳамда амалий масалаларнинг ечимини топиш янги

[1] Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармонига 1-илова.

технологиялар, шунингдек кимё, биология ва тиббиётда препаратлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]**.** Конденсирланган муҳитларда кластерлар ҳосил бўлишининг физик асослари, уларнинг тузилиши, бундан ташқари, МАЎТларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, National Laboratory for Marine Science and Technology (Хитой), Department of Chemistry, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Ohio State University (АҚШ), Institut für Physikalische Chemie, Universität (Германия), University of Uppsala (Швеция), Сеуль Миллий университети (Жанубий Корея), Санкт-Петербург давлат университети, П.Н.Лебедев номидаги Физика институти, Москва давлат университети (Россия) ва Киев миллий университети (Украина) томонидан амалга оширилмоқда.

МАЎТларни ўрганиш, суюқ ва кристалл муҳитларда нанокластерларнинг тартиби ва ўзаро таъсирини белгилаш, турли молекуляр марказларда водород боғланишни намоён бўлишини ўрганиш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: КС спектрларининг қутбсизланиш коэффициентини ўлчаш орқали тебранишнинг симметрияси ҳақида ишончли маълумот олиш мумкинлиги асосланган (П.Н.Лебедев номидаги Физика институти, Россия), молекулалараро водород боғланишлар конденсирланган муҳитларда молекуляр системаларни ўз-ўзини ташкил этиши, оқсил ва пептидларни солвация қилиш жараёнларида асосий

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Hartnig C., WitshelW., SpohrE., GalloP., RicciM.,RovereM.// J. Mol. Liq. № 9. 1998.;GoloW., KatsE., YevdokimovYu.M.// Cond-mat/0006005. № 6. 2000; Qiang Sun // J. Vibrational Spectroscopy. 51. 2009. P.213-217; Lei Y., Li H., Pan H., Han S. // J. Phys. Chem. A. 2003. 107. 1574–1583; Wexler A.D.D., Fuchs E.C., Woisetschläger J. and Vitiello G. // Physical Chemistry Chemical Physics. 2019; Tian Z., Zhang X., Liu C., Meng Q., Du Z., and Yan J. // Analytical Letters. 2020; Kiefer W. // Journal of Raman Spectroscopy. 2008. 39 (12). P. 710-1725, а также, www.scopus.com, www.nature.com, www.sciencedirect.com, Web of Science ва бошқа манбалар асосида олиб борилди.

роль ўйнаши аниқланган (University of Pittsburgh, АҚШ, Universitlit Berlin, Германия), турли типдаги водород боғланишларнинг нисбий мустаҳкамлигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган (Feng-Chia University, Таиван), водород боғланиш асосан электростатик ўзаро таъсирлар билан аниқланиши асосланган (University Cambridge, Англия).

Конденсирланган муҳитларда молекулалараро водород боғланишнинг табиати ва мустаҳкамлигини тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ёруғликнинг КС усулида водород боғланишларнинг ҳосил бўлиш механизмини яратиш; биологик фаол молекулаларда кучсиз водород боғланишларнинг муҳим турларини аниқлаш; энергетик жиҳатдан энг қулай ноноўлчамли тузилмаларни аниқлаш; молекуляр кластерларнинг спектрал намоён бўлишини кўрсатиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли агрегат ҳолатларда молекулалараро водород боғланишлар ҳосил бўлишининг спектроскопик намоён бўлиши узоқ вақт давомида ўрганилган, шунга қарамасдан ечилмаган муаммолар кўп. КС спектроскопияси ва ноэмпирик ҳисоблашлар бу соҳадаги бир қатор муаммоли саволларга жавоб беришга имконият беради. Бу илмий масалаларни ҳал қилиш учун оддий, айни пайтда реал модель системаларда водород боғланишларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш долзарбдир. Сув, спиртлар, кислоталар ва бошқаларда ҳосил бўладиган молекуляр кластерлар, водород боғланишнинг ҳосил бўлиши ва динамикасини конденсирланган ҳолатдаги физиологик жиҳатдан муҳим бирикмаларда ўрганиш учун табиий модель бўлиб, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини белгиловчи қонуниятларни ўрганиш ҳозирги замон физикасининг долзарб муаммосидир.

МАЎТ ва унинг алоҳида тури - водород боғланиш тушунчасининг пайдо бўлиши Ван-дер-Ваальс номи билан боғлиқ. Кейинчалик, Н.Д.Соколов донор-акцептор боғланиш мавжудлиги ғояларига асосланган водород боғланишнинг квант-механик назариясини ривожлантирди. Олинган натижаларнинг кўпчилиги водород боғланишни назарий ўрганиш натижаларига зид бўлиб, водород боғланиш асосан электростатик ўзаро таъсирлар орқали аниқланади, деган хулосага олиб келди. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар (АҚШ) водород боғланишни ўрганишда валент боғланишлар назариясини тадбиқ қилишга қарор қилдилар ва ҳоказо.

Украиналик олимлар акад.Л.А.Булавин, проф.В.Е.Погорелов, проф.И.Ю.Дорошенко ва бошқалар молекулалараро водород боғланиш учун спирт молекулаларида атомларнинг турли тебранишларига тегишли полосаларнинг ажралишини ўрганишди. Санкт-Петербург университети олимлари, проф.Г.С.Денисов, проф.К.Г.Тохадзе (Россия) ва бошқалар газ ва суюқ фазаларда водород боғланишли комплексларни кенг температура оралиғида тадқиқ қилишган.

Ўзбекистонлик олимлар, хусусан, академик А.Қ.Отахўжаев ва шогидлари (Ф.Х.Тухватуллин, А.Жумабоев, У.Н.Ташкенбаев, Ш.Файзуллаев ва бошқалар), суюқ ҳолатларнинг молекуляр динамикаси бўйича тадқиқотлар ўтказишган ва МАЎТ хусусиятларини молекуляр даражадаги релаксация вақтларини аниқлаш

механизмларини яратишган. Проф.Н.Н.Низамов (СамДУ) раҳбарлигида айрим бўёқларнинг сувли эритмаларида комплекслар ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш учун электрон спектрлари ёрдамида интенсив спектроскопик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Проф.Л.М.Сабиров (СамДУ) раҳбарлигида изотроп ва анизотроп нур сочилиши спектроскопияси усуллари билан суюқликлар ҳолатининг критик ва махсус нуқталари яқинида флуктуацион ва структура ҳосил қилувчи жараёнлар устида тадқиқотлар, проф. Ш.Отажонов (ЎзМУ) раҳбарлигида молекуляр спектрларнинг МАЎТ табиатига боғлиқлигини тизимли ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф2-003-сон “Молекуляр спектроскопия усуллари билан моддаларнинг конденсирланган ва газ ҳолатларида молекулаларнинг водород боғланиш ва бошқа ўзаро таъсир турлари бўйича молекуляр агрегатларини экспериментал ва назарий ўрганиш” (2007-2011 йй.), Ф2-20-сон “Молекуляр агрегатлар (нанокластерлар)нинг тузилиши ва боғланиш энергияси, тажрибалар ва ҳисоблашлар” (2012-2016 йй.) ва ОТ-Ф2-40-сон “Молекуляр кластерларнинг ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг тебранма спектрларда намоён бўлиши” (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган, конденсирланган ҳолатдаги биологик объектларда водород боғланишли молекуляр кластерларнинг шаклланиш механизмларини ва молекулалараро ўзаро таъсирларнинг умумий қонуниятларини аниқлаш ҳамда ёруғлик майдони таъсирида бу молекуляр кластерларнинг тебраниш спектрида намоён бўлишини тадқиқ қилишнинг спектроскопик методларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молекулалараро ва ичкимолекуляр водород боғланишли молекуляр кластерлар тузилишини ёруғликнинг КС спектрларида намоён бўлишини аниқлаш ва тизимлаштириш;

ноэмпирик (*ab initio*) ҳисоблашлар ёрдамида ўрганилаётган объектларда ҳосил бўладиган молекуляр кластерларнинг геометрик тузилиши, электронлар зичлиги тақсимоти, спектрал ва энергетик параметрларини аниқлаш;

сув, метил спирти, ацетон, нитрометан, диметилформамид, L-аланинга тегишли изоляцияланган молекула ва молекуляр кластерлари учун энергетик жиҳатдан энг қулай тузилишини аниқлаш;

суюқ ҳолатда молекуляр кластерлар нисбатини температурага боғлиқлигини КС спектроскопияси ёрдамида ўрганиш ва тажриба натижалари билан солиштириш мақсадида ноэмпирик ҳисоблашлар ўтказиш;

ўрганилган объектларда молекуляр кластер ҳосил бўлиш жараёнларига концентрациянинг таъсирини ва кластерли тузилмаларни ёруғликнинг КС спектрида намоён бўлишини ўрганиш;

конденсирланган ҳолатларда молекуляр кластер ҳосил бўлишининг физик асосларини, фазовий жойлашувини ва молекуляр кластерларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш;

молекула ва уларни нурланиш майдони билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилишнинг янги усулларини ривожлантириш ҳамда тажриба натижаларини интерпретация қилишнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тузилиши ва қутбланувчанликлари билан фарқ қилувчи водород боғланишли молекуляр кластерлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини МАЎТ жараёнлари, водород боғланишли молекуляр кластерларнинг шаклланиш қонуниятлари ва уларнинг ёруғликнинг КС ва ИҚ ютилиш спектрларида намоён бўлиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида КС ва ИҚ ютилиш спектроскопияси ва квант-кимёвий ноэмпирик ҳисоблашлар каби замонавий назарий-эксперимental усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суюқ ва кристалл ҳолатлардаги ўрганилган юқори қутбли молекулалардан ташкил топган моддаларда, 10 тагача молекулага эга бўлган кластерларнинг шаклланиш механизмлари аниқланган ва молекуляр кластерлар ҳосил бўлиш жараёнларининг мураккаб тизими асосланган;

юқори қутбли моддаларнинг суюқ ва изоляцияланган ҳолатларда кластер тузилишларини ҳосил бўлишида ички молекуляр ва молекулалараро водород боғланиш ўрни ҳамда ўрганилган объектлардаги молекуляр кластерларнинг геометрик, спектроскопик ва электрооптик параметрлари аниқланган;

молекуляр кластерларда молекулалараро водород боғланиш ҳосил бўлишида иштирок этган ва иштирок этмаган O-H тебранишларга тегишли КС полосаларининг янги спектроскопик талқини тақдим қилинган;

молекуляр кластерлар шаклланиш жараёнида газ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтишида иккита тебраниш полосалар системаси ҳосил бўлиши, бу полосалар "симметрик" (паст частотали) ва "антисимметрик" (юқори частотали) O-H тебранишлар билан боғлиқлиги кўрсатилган;

кластерда молекулалар сони ошиши билан паст частоталар соҳасига силжиш, тажрибада ўлчаш мумкин бўлмаган полосалар системаси орасидаги силжиш қийматига мос эканлиги аниқланган;

суюқ сув тузилишининг шаклланишида бешта ва олтита молекуладан ташкил топган (ёпиқ занжирли) молекуляр кластерларнинг ўрни энг юқори эканлиги исботланган;

метанол молекуласида кислород атоми билан метил гуруҳига тегишли водород атомларининг бири ўртасида ички водород боғланиш мавжудлиги ҳамда бу боғланиш тример кластергача сақланиб қолиши кўрсатилган;

спиртнинг сувли эритмасида спирт миқдори кам бўлганда икки турдаги структуралар, спирт стурктураси ва сув структураси мавжуд бўлиши, бу эса ушбу системада алоҳида хоссаларни ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилган;

тебранма спектроскопия ва квант-кимёвий моделлаштириш усулларидан фойдаланиб, наноўлчамли молекуляр кластерлар ҳосил бўлишининг физик асослари ишлаб чиқилган;

молекулалараро водород боғланишли молекуляр суюқликларнинг тузилиши ва физик хоссалари улардаги ташкилий тузилма элементи сифатидаги наноўлчамли кластерлар мавжудлиги билан аниқланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан молекуляр спектроскопия, физик-кимё, фармацевтика соҳаларида олиб борилаётган тадқиқотларда ва ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилган;

шаклланиш эҳтимоли катта бўлган молекуляр кластерларнинг геометрик ва энергетик параметрларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

метил спиртининг С-О тебраниш полосаси интенсивлигини ўзгаришини таҳлил қилиш орқали эритмада эритувчининг таркибини масофадан аниқлаш имконини беради. Сувнинг О-Н тебранишига тегишли тажриба натижаларидан фойдаланиб, масофадан унинг температурасини аниқлаш мумкин;

натижалар конденсирланган ҳолатдаги кластерлар тузилишини аниқлаш учун фойдали модель сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда КС ва ИҚ ютилиш спектроскопиясининг замонавий усулларидан ва юқори аниқликдаги замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланилганлиги, тажриба ўтказиш шароитларини чуқур таҳлили ҳамда нуфузли илмий журналларда чоп қилинган мақолаларга бошқа муаллифлар томонидан SCOPUS базасига кирган журналларда чоп қилинган ишларида 100 га яқин иқтибослар келтирилганлиги билан ҳам асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тебраниш спектрларидан олинган натижалар МАЎТ тўғрисидаги тушунчани кенгайтиради ва модданинг суюқ ҳолатида молекуляр кластерлар шаклланиш муаммоларини ҳал қилиш учун қўлланилади. Моддаларнинг макроскопик хусусиятларини, молекуляр кластерларнинг ролини, молекулалараро водород боғланиш муаммоларини ўрганишда, молекуляр спектроскопия усулларини ривожлантириш муҳим. Ушбу тадқиқотлар модда суюқ ҳолатининг молекуляр назариясини ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида суюқ муҳитлардан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мақсадли фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, водород боғланиш ёрдамида молекуляр кластерларнинг ҳосил бўлиши тирик организмлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Водород боғланиш биополимерларда кенг тарқалган. Шунинг учун бу турдаги тадқиқотлар водород боғланишнинг бу жараёнлардаги ролини тўлиқроқ тушунишга ёрдам беради. Ўрнатилган қонуниятлар спектроскопик фаол молекуланинг муҳити ўзгарганда, тебраниш полосаси контурининг ўзгаришига қараб хоссасини айтиб беришга имкон беради. Мураккаб системалар учун муҳим бўлган, полоса контури параметрлари билан муҳит хоссасини характерловчи параметрлар ўртасида боғланишни ўрнатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молекуляр кластерларни шаклланиш механизмларини тадқиқ қилиш ва конденсирланган муҳитларда МАЎТ спектроскопияси воситасида олинган натижалар асосида:

спектроскопик фаол молекуланинг муҳити ўзгарганда полоса контуридаги ўзгаришларни баҳолаш ҳамда ноэмпирик ҳисоблашлар натижаларидан Россия фундаментал тадқиқотлар фондининг 16-02-00102 рақамли “Процессы упорядочения и структурные фазовые переходы в

кристаллах фторидов со структурой эльпасолита, содержащих ионы редкоземельных элементов”, 19-52-12031 рақамли “Природа терагерцовых колебательных мод (фононов) в металлоорганических каркасных структурах”, 16-32-50026 рақамли “Исследование оптических свойств нанокластеров дисульфида молибдена” мавзуларидаги фундаментал лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган (Россия ФАСБ Л.В.Киренский номидаги физика институтининг 2018 йил 15 майдаги маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларида аниқланган қонуниятлардан фойдаланилиши натижасида спектроскопик фаол (молекула, комплекс, ион) элемент муҳити ўзгарганда, тебраниш спектрида полоса контурларининг ўзгаришини баҳолаш имконини берган;

суюқ ва кристалл ҳолатларда молекуляр кластерларнинг шаклланиш механизмларидан, спектроскопик ва энергетик параметрларидан ҳамда тақдим қилинган О-Н тебранишларга тегишли КС полосаларининг янги спектроскопик талқинидан 0110РК153 рақамли “Исследование взаимного влияния многоатомных систем в конденсированных средах оптическими методами” мавзусида олиб борилаётган ИТИларини бажаришда фойдаланилган (Тожикистон Миллий университетининг 2020 йил 25 декабрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ва ўрнатилган қонуниятларни қўлланилиши натижасида гетероциклик бирикмаларда мураккаб комплекслар ҳосил бўлиш жараёнлари ва уларнинг спектрал параметрларини аниқлаш имконини берган;

сув, спирт ва этиленгилколда тебранма спектроскопия ва квант-кимёвий моделлаштириш усуллари ёрдамида аниқланган наноўлчамли молекуляр кластерлар ҳосил бўлишига тегишли тадқиқот натижаларидан Киев миллий университетида бажарилган 18БФ051-02М рақамли “Водородно-связанные молекулярные кластеры внутри наноструктурированных материалов” мавзусидаги ИТИларини бажаришда фойдаланилган (Киев миллий университетининг 2020 йил 29 декабрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижалари молекулалараро водород боғланишли суюқликларда кластер ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганишда модданинг суюқ ҳолатини ва конденсирланган модда спектроскопиясини ўрганиш учун ишлатиладиган объектлар доирасини кенгайтиришга хизмат қилган.

тадқиқот натижаларининг татбиқи натижаларга *Scopus* илмий маълумотлар базасига кўра, юқори импакт факторли журналларда чоп этилган 100 га яқин экспериментал ва моделлаштириш тадқиқотларида, шунингдек, шарҳ мақолаларида иқтибос келтириш орқали ҳам жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 22 та, шу жумладан 13 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 15 та мақола, жумладан, 8 таси хорижий, 7 таси республика журналларида, 1 монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 212 бет, 61 та расм ва 11 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар, диссертация мавзуси бўйича мамлакатимизда ва хорижда амалга оширилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган.


Диссертациянинг **“Молекуляр кластерларнинг шаклланиш механизмларини спектроскопик тадқиқотларнинг замонавий ҳолати”** номли биринчи бобида конденсирланган муҳитларда молекуляр кластерларнинг шаклланиш механизмларининг назарий ва амалий тадқиқотлари натижаларига доир адабиётлар шарҳи келтирилган. Бу соҳада эришилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ёритилган. МАЎТларни ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг бугунги кундаги ҳолати, айниқса, водород боғланиш ва унинг молекула спектрал характеристикаларига таъсирини ўрганишга қаратилган масалалар кўриб чиқилган. Водород боғланишли молекуляр кластерларнинг умумий характеристикалари, уларнинг спектрал-тузилиш хусусиятларини ноэмпирик ҳисоблашлар бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган.

«Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва ноэмпирик квант-кимёвий ҳисоблашлар методлари» деб номланган иккинчи бобида, КС спектрларини қайд қилишга мўлжалланган қурилма тавсифи ва тадқиқот объектларини танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Спектрлар дифракцион панжарали ДФС-52 спектрометрида қайд қилинган. Ёруғлик манбаи сифатида ЛГН-503 (λ=488 нм) аргон лазеридан фойдаланилган. Полосаларнинг ярим кенглиги ва максимумларни нисбий аниқлаш хатоликлари ($\pm$0.3 $см^{-1}$) келтирилган. ИҚ ва КС ютилиш спектрларини бир қисми Thermo Nicolet 6700 FTIR/FT-Raman спектрометрида қайд қилинган. Уйғотувчи ёруғлик манбаининг тўлқин узунлиги λ=514 нм ва λ=488 нм, диапазонлари 525÷4500 $см^{-1}$, детектори MCT-A (LN2 совутиш тизими) ва 375÷4500 $см^{-1}$, детектори DTGS TEC (RT).


Ноэмпирик ҳисоблашлар Gaussian-03 ва Gaussian-09 дастурларида HF, B3LYP ва MP яқинлашишларида 6-31G++(d,p) базислар тўпламида бажарилган. Ушбу бобда, тажриба ва ҳисоблашларда олинган натижаларнинг аниқлик даражаси ва хатолиги бўйича маълумотлар ҳам келтирилган.

«Сув ва спиртларда молекуляр кластерларнинг шаклланиш механизмлари» мавзусидаги учинчи бобда, сув ва метил спиртининг

эритмаларида МАЎТ ва молекуляр кластерларнинг шаклланиши бўйича тадқиқотлар ёритилган. Биринчи марта водород боғланиш (Н-боғланиш) ҳосил бўлиши билан О-Н валент тебранишларнинг КС спектрларининг интенсивлиги ва полоса ярим кенглиги ўртасида корреляция ўрганилди. Сувнинг КС спектрларида, қоидага биноан, симметрик полосаларнинг сочилиш кесими антисимметрик полосага нисбатан катта эканлиги, бу полосаларнинг қутбсизланиш даражаси фарқ қилиши аниқланди. Юқори частотали полоса (антисимметрик тебраниш) қутбланмаган, паст частотали (симметрик тебраниш) қутбланган, частоталар фарқи ~100 см$^{-1}$ га тенг. Бу ерда шуни қайд қилиш керакки, бу катталик суюқ сувнинг КС спектри мураккаб полосасининг ташкил этувчилари частоталар фарқидан (деярли 2 марта) кичик экан (1-расм).



1-расм. Тоза сувнинг 3000-3800 см$^{-1}$ соҳада фурье КС спектри ва қутбланган ташкил этувчилари.




2-расм. Сувнинг О-Н тебраниши КС спектри қутбланмаган полосаларининг температурага боғлиқлиги: 1) 20^{0}C; 2) 40^{0}C; 3) 60^{0}C; 4) 80^{0}C.


Бу полосани 3000-3800 см$^{-1}$ частоталар соҳасида турли температураларда ўтказилган тадқиқотларида, температура ошиши билан КС спектрининг қутбланмаган ташкил этувчиси кенглигини сақлаши, лекин паст частота соҳасидаги полоса интенсивлиги, юқори частота томондаги полоса интенсивлигига нисбатан камайиши кузатилди (2-расм). Полосанинг ушбу параметри температура ўзгаришига жуда сезгир бўлиб, ундан сувни температурасини аниқлашда фойдаланиш имкониятини беради. Ушбу полосанинг 3000-3800 см$^{-1}$ соҳадаги ташкил этувчиларининг ярим кенглиги катта эканлигини ($\Delta\nu$~400 см$^{-1}$) тушуниш мақсадида сувнинг турли молекуляр кластерлар учун ўтказилган ноэмпирик ҳисоблашлар ёрдамида симметрик ва антисимметрик тебранишларга мос келувчи полосадаги нисбий силжиш, турли молекуляр кластерларга тегишли полосаларнинг қутбсизланиш коэффициенти, молекулалараро водород боғланиш энергиялари аниқланди.

Молекуляр кластерлар тузилиши оптимизация қилингандан кейин, уларнинг геометрик параметрлари топилди. Ҳисоблашлар сувнинг 10 тагача молекуласини бирлаштирган модел кластерлари учун ўтказилди (3-расм).

Сувнинг изоляцияланган молекуляр калстерлари учун ўтказилган ҳисоблашлар мавжуд тасаввурлар билан мос келади. Ҳисоблашлар ўзаро боғланган молекулалар сонининг ортиши билан тебранишлар частотасининг ўзгаришини кўриб чиқиш имконини беради (4-расм).



3-расм. Сув молекуляр кластерларининг тузилиши (зарядлар электрон заряди бирлигида, масофа Å да): *a*) мономер, *b*) димер, *c*) тример, *d*) тетрамер, *e*) пентамер, *f*) гексамер, *h*) октомер, *k*) декамер.



4-расм. Сувнинг молекуляр кластерлари O-H тебраниш КС спектрлари: 1) мономер, 2) димер, 3) тример, 4) тетрамер, 5) пентамер, 6) гексамер, 7) гептамер 8) октомер 9) декамер.

Молекулалараро Н-боғланишнинг ҳосил бўлиши атомлар зарядининг ва боғлар узунлигининг ўзгаришига сабаб бўлади. Н-боғланишда иштирок этган водород атомининг заряди ортади, молекуланинг протон донор (водород) ва протон акцептор (кислород) атомлари заряди ҳам мос равишда ортади. Тример ҳолатда Н-боғланиш ҳосил бўлишида иштирок этувчи барча атомлар учта бир хил О-Н валент боғланишли ва учта бир хил Н-боғланишли олтибурчак ҳосил қилади. Тетрамерик кластер узунлиги 1.924 ва 1.945 Å жуфтликда бўлган тўртта молекулалараро Н-боғланиш орқали саккиз бурчак ҳосил қилади. Бешта молекулали кластер ҳам ёпиқ занжирли ўнбурчак ҳосил қилади, шунингдек, кислород ва водород атомлари (молекулалараро водород боғланиш шаклланишида иштирокига нисбатан фаол ва фаол бўлмаган) тенг томонли бешбурчакларнинг учларида жойлашади, кластер тенг томонли бешбурчакка ўхшайди. Ёпиқ гексамернинг ҳосил бўлиши кислород атомини ва ҳар бир сув молекуласининг водород атомларидан бирини ўз ичига олади, бошқа водород атоми эркин ҳолатда бўлади. Саккиз ва ўнта сув молекулаларининг кластерлари мураккаб фазовий шаклга эга бўлиб, барча молекулалар Н-боғланиш ҳосил қилади, айримлари учта Н-боғланиш ҳосил қилишда иштирок этади (3-расм).

Деформацион тебранишнинг частотаси ортади ва “симметрик” ва “ассиметрик” тебранишларнинг частоталари ҳам ўзгаради. Молекуляр кластерларнинг ҳосил бўлиши тебраниш полосаларининг кенглигини оширишини ҳисобга олиб, полосалар паст частоталар томонга силжийди, димернинг шу соҳадаги тебранма спектрида симметрик О-Н тебранишга тегишли иккита полосани, антисимметрик О-Н тебранишга тегишли иккита полосани кузатиш мумкин. Бу ҳолда димерда иккала полоса ҳам паст частоталар соҳасига силжийди, улар орасидаги частоталар фарқи ошади. Сув кластерларининг ҳисобланган спектрларида-тример, тетрамер, пентамер, гексамерда спектрдаги ўзгаришлар молекула сонининг ортиши билан кузатилади (4-расм). Боғланган, ассимметрик ва боғланмаган О-Н тебраниш частоталарининг қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сувнинг молекуляр кластерларига тегишли О-Н тебраниш частотлари

Тебраниш тури	**Мономер**	**Димер**	**Тример**	**Тетрамер**	**Пентамер**	**Гексамер**	**Гептамер**	**Октамер**	**Декамер**
ν_s (см$^{-1}$) (боғланган)	3816,9	3706,2	3563,2	3377,2	3326,1	3331,2	3437,4 3233,6	3434,7 3213,1	3340,5 3144,7
ν_{as} (см$^{-1}$) (боғланган)	3921,9	3892,9	3620,8	3508,9	3471,1	3474,9	3543,4 3534.9 3381,9	3552,1 3531,2 3386,6	3646,5 3549,7 3380,0
ν'_{s+as} (см$^{-1}$) (боғланмаган)	-	3915,1	3895,5	3887,2	3890,7	3886,9	3886,5	3888,83	2882,4

Кластердаги молекулалар сони ортиши билан битта Н-боғланишга тегишли МАЎТ энергияси тўйиниши кузатилди. Молекулалар сони 4, 5 ва 6 та бўлганда ёпиқ кластер тузилмалари ҳосил бўлади, бунда, молекулалар сони биттага ошганда бирлик водород боғланишга тўғри келадиган энергия ўртача 4 ккал/мольга ошади. Боғланиш энергиялари ҳалқали тузилмалар энг барқарор эканлигини кўрсатди (2-жадвал).


2-жадвал

Сувда молекуляр кластерларининг ҳосил бўлиш энергиялари

Энергия	**Ҳисоблаш усули**	**Димер**	**Тример**	**Тетрамер**	**Пентамер**	**Гексамер**	**Гептамер**	**Октамер**	**Декамер**
ΔE, ккал/моль	**HF**	2,8	9,4	16,3	22,7	28,3	33,4	39,3	52,5
	B3LYP	3,5	11,6	22,1	29.9	36.7	43.9	51.9	69.5
ΔU, ккал/моль	**HF**	2,8	3,1	4,0	4,5	4,7	4,2	4,3	4,3
	B3LYP	3,5	3,9	5,5	5,9	6,1	5.5	5,7	5,7


ΔE – 1 моль молекуляр кластерлар улушига тўғри келувчи энергия ютуғи, ΔU – битта Н-боғланишга тўғри келувчи энергия.

Улар орасида ҳалқали тузилишга эга пентамер ажралиб туради, бунда молекуланинг фақат битта протони Н-боғланиш ҳосил қилишда иштирок этади. Суюқ сув структурасининг шаклланишида бешталик молекуляр кластерлар устунлиги катта эканлиги, кластерлардаги молекулалар сонига битта Н-боғланишга тўғри келувчи энергиянинг боғлиқлигини таҳлил қилиш билан ҳам тасдиқланади (5-расм). Кластерларда молекулалар сони ортиши билан биринчи навбатда умумий энергия ортади, максимал энергия пентамер ва гексамерлар ҳисобига тўғри келади.



5-расм. Сув кластерларида энергияни молекулалар сонига боғлиқлиги: а) Хартри-Фок усулида, б) B3LYP усулида.

Метил спирти учун валент O-H ва O-D тебраниш полосалари мураккаб ва турлича қутбсизланиш коэффициентига эга бўлган бир неча полосадан иборат бўлиб, бу эса спиртда турли кластерлар мавжудлигини билдиради. Метил спиртида мавжуд бўлиши мумкин бўлган молекуляр кластерлар ва уларнинг КС спектрлари моделлаштирилди. Ҳисоблашлар CH_3 гуруҳидаги водород атомларидан бири билан шу молекуланинг кислород атоми орасида ички молекуляр Н-боғланиш борлигини кўрсатувчи натижаларни берди ва бу боғланиш димер ва тример кластергача сақланиб қолиши аниқланди (6-расм).




6-расм. Метил спирти молекуляр кластерлари тузилиши: a) мономер, b) димер, c) тример.

Молекулалараро водород боғланиш ҳосил бўлганда, зарядлар тақсимоти протон донор ва протон акцептор молекулалар учун турлича бўлиши кузатилди. Н-боғланишнинг йўналиши $O^{(8)}H^{(12)}$ боғ йўналиши билан мос тушади (6-расм). Ноэмпирик ҳисоблашлар натижасида тример кластерлар учун занжирли кластерлар ҳосил бўлиши нисбатан қулай эканлиги, яъни ҳар бир Н-боғланишга 5,5 ккал/моль энергия тўғри келиши аниқланди.


Н-боғланиш ҳосил бўлганда, O-H тебраниш полосаси айрим ҳолларда қутбсизланиш коэффициентининг ўзгариши билан чизиқларга ажралади. Димерда O-H тебранишига деярли бир хил қутбсизланиш коэффициентига эга бўлган иккита полосаси кузатилади(7а-расм). Н-боғланишли кластерлар

сабабли полосанинг кенглиги ошиб кетади ва тажрибада бу полосаларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмайди. Ҳисоблашларга кўра, С-О тебранишга тегишли полоса тебранишда барча водород атомлари иштирок этиши сабабли тўласинча характеристик эмаслигини намоён қилди (7б-расм).



7-расм. Метил спирти молекуляр кластерларининг а) О-Н ва б) С-О тебранишларнинг КС спектрлари.

Тажриба натижалари ва ноэмпирик ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, метил спиртининг С-О тебраниш полосаси (1035 $см^{-1}$) ва унинг сув билан эритмасининг шакли мураккаб экан. С-О тебраниш гуруҳининг қутбланган компонентлари турли ярим кенгликларга эга (8-расм).



8-расм. а) Метил спирти (CH_3OH)да С-О тебраниш чизиғи шакли: 1) параллел, 2) перпендикуляр ва сувли эритмаларида (спирт миқдори: 3) 0,9 мол.у.; 4) 0,5 мол.у.; 5) 0,1 м.у.); б) спирт ва сув молекулалари кластерларига тегишли КС спектрлари.


Бу фарқ молекулаларнинг $I_{\perp}(\nu)$ ташкил этувчисига унинг ориентацион ҳаракатининг қўшган ҳиссасига боғлиқ. Сувли эритмада С-О тебраниш полосаси 1018 $см^{-1}$ паст частота соҳасига силжийди. Эритмада спирт миқдори 0,4-0,6 мол улушида полоса ярим кенглиги максимумдан ўтади (8а-расм).

Ҳисоблашлар спирт ва сув эритмаларининг 10 тагача молекуласида ўтказилди. Аввал 10 та сув молекуласининг тузилиши, сўнг 9 та сув молекуласи ва битта спирт молекуласидан, то 9 та спирт ва 1 та сув молекуласигача бўлган

кластерларнинг структураси аниқланди. Спиртнинг О-Н тебранишига тегишли полосасининг ҳосил бўлиши, тоза сувда кузатилганга ўхшаш жараён такрорланди, О-Н тебраниш полосаси интенсивликларининг максимумлари ўзгаради. Спирт-сув кластерларини моделлаштиришда С-О полосани шаклланишида қизиқарли натижалар кузатилди. Метанол ва сув кластерларини ҳосил бўлиши билан С-О тебранишга тегишли полоса юқори частоталар соҳасига силжийди, кейинчалик эритмада сув молекулаларининг сони ошиши билан бу полосада деярли ўзгариш кузатилмайди (8б-расм).

Молекуляр кластерларда метанол ва сув молекулаларининг барчаси Н-боғланишда иштирок этади, лекин алоҳида бир хусусият билан бирлашиши аниқланди. Яъни, метанол молекулалари сони кам бўлганда, сув структурасини бузмасдан кластернинг энг чекка қисмларига боғланишини кузатдик. Сув молекулалари ўзаро таъсирлашиши афзалроқ эканлигини намоён қилди. Спирт молекулалари ўзаро бирлашган ҳолда сув структурасининг энг чекка қисмлари билан таъсирлашади, яъни эритмада сув структураси сақланади. Спиртнинг сувли эритмаларида икки турдаги, сув ва спирт структураларига тегишли молекуляр кластерлар ҳосил бўлишини кузатдик.

“Ацетон, нитрометан ва этиленгликолда молекуляр кластерларнинг тузилиши” номли 4-бобда юқори қутбли молекулаларда МАЎТга доир тадқиқот натижалари келтирилган. Тажриба натижалари кўрсатдики, суюқ ацетоннинг С=О тебраниш полосаси (1710 $см^{-1}$)нинг параллел ташкил этувчиси перпендикуляр ташкил этувчисига нисбатан ~ 5 $см^{-1}$ га паст частота соҳасига силжиган. Бу иккала ташкил этувчи полосанинг ярим кенгликлари етарлича катта бўлиб (11,6 и 18 $см^{-1}$), полоса формасини таҳлил қилишда қийинчилик туғдиради. Полосанинг бу мураккаблиги суюқ ацетонда турли хил молекуляр кластерлар мавжудлигини кўрсатади. Бу фикрни изоляцияланган мономер ва димерга тегишли моделлаштирилган КС спектрлари ҳам тасдиқлайди (9-расм).




9-расм. Суюқ ацетоннинг 20^0С да С=О тебраниш КС спектри полосаси: а) тажриба: 1) $I_{||}$, 2) $I_{\perp}$, 3) қутбсизланиш коэффициенти; б) ноэмпирик ҳисоблаш: мономер ва димер.

Ноэмпирик ҳисоблашлар ацетоннинг мономер молекуласида ички молекуляр Н-боғланиш мавжудлигини, шунингдек молекулалараро водород боғланиш туфайли энергияси 2,4 ккал/моль бўлган димер ҳосил бўлишини кўрсатди. Ацетон димерида битта молекуланинг кислород атоми ва иккинчи

молекуланинг CH_3 гуруҳидаги водород атоми ўртасидаги ўзаро таъсирни масофасига қараб ички молекуляр H-боғланиш, деб ҳисоблаш мумкин (10-расм).

Ацетоннинг сувли эритмаларида мос равишда 4,56 ва 10,9 ккал/моль энергияга эга ёпиқ димер ва тример кластерлар ҳосил қилиши мумкин экан. Бу ҳолда ўзаро таъсир натижасида симметрик ва антисимметрик O-H тебранишлар полосаси паст частотаталар соҳасига мос равишда 3808,4 $см^{-1}$ га ва 3931,8 $см^{-1}$ га силжийди. Ацетон-сув кластерларида C=O тебраниш полосаси (1771.0 $см^{-1}$ - димер, 1757.1 $см^{-1}$ - тример) ҳолати ўзгаради.




10-расм. Ацетон молекуляр кластерлари тузилиши (RHF 6-31G++(d,p)): ацетон (a) ва сув (a′) мономери, ацетон димери (b), димер ацетон+сув (c) ва тример кластер ацетон-иккита сув (d).

Нитрометан ҳам диполь моменти (3,54 D) катта бўлган молекулалар турига киради, шунга қарамасдан ноэмпирик ҳисоблашлар кўрсатдики, ацетон каби нитрометанда ҳам молекулалараро H-боғланиш бўлиши мумкин экан. Бу димерлашган кластерда жуда яққол намоён бўлади ва валент тебранишларининг КС спектрларида H-боғланиш белгилари каби кузатилади (11-расм). Бу хулоса ҳисоблашлар натижасида аниқланган зарядлар тақсимоти таҳлилида ҳам ўз тасдиғини топган. Бундан ташқари, нитрометаннинг гексан ва хлороформ билан эритмаларида ўтказилган тажриба натижалари ҳам бу хулосани тасдиқлайди. Гексан ва хлороформ эритмасида полосаларнинг сезиларли равишда юқори ва паст частоталар соҳасига силжиганлигини кузатдик.

Нитрометанда ҳам МАЎТ орқали боғланган кластерлар мавжудлигининг асосий сабаби дипол-дипол ўзаро таъсирдир, лекин ноэмпирик ҳисоблашлар молекулалараро H-боғланиш нитрометаннинг молекуляр кластерлари ҳосил бўлишига ҳам катта ҳисса қўшишини кўрсатди. Димер ҳосил бўлиш энергияси 3,81 ккал/моль (бундай кластернинг диполь моменти 0,0023 D). Худди шундай ҳолатдаги тример учун эса 10,5 ккал/моль. Нитрометан молекуласидаги кислород атоми билан C-H гуруҳдаги водород атоми ўртасида NO…HC и C-


Н…О турдаги Н-боғланишлар ҳосил бўлиши аниқланди (11-расм). Қутбли молекулаларда кластерлар ҳосил бўлишида Н-боғланиш сезиларли таъсир кўрсатади.

Этиленгликолдаги МАЎТ ёруғликнинг КС ва ноэмпирик ҳисоблаш усуллари билан тадқиқ қилинди. Этиленгликолда бир-бирига нисбатан эркин айланиши ҳисобига турли хил фазовий изомерлар ҳосил қиладиган иккита О-Н гуруҳи мавжуд бўлиб, бир молекуланинг О-Н гуруҳидаги Н атоми билан бошқа молекуланинг кислород атоми орасида молекулалараро Н-боғланиш ҳосил бўлиши, атомлар орасидаги зарядларнинг сезиларли даражада қайта тақсимланишига ва боғ узунликларининг аҳамиятсиз ўзгаришига олиб келиши кўрсатилган.



11-расм. Нитрометаннинг димерлашган кластери тузилиши (а) ва валент тебранишларининг КС спектрлари (б).

КС спектрларида молекулалараро Н-боғланиш мавжудлиги полосаларнинг асимметрияси ва ажралиши кўринишида намоён бўлади. Қуйидаги 12-расмда суюқ этиленгликолга тегишли фурье КС ва ИҚ ютилиш спектрлари келтирилган.



12-расм. Суюқ этиленгликолнинг фурье а) КС ва б) ИҚ ютилиш спектрлари.

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, О-Н тебранишлар соҳасида кузатилаётган полоса мураккаб бўлиб, Н-боғланишли кластерлар сабабли полосанинг кенглиги ошиб кетади ва тажрибада бу полосаларни алоҳида-

алоҳида кўриш имконияти бўлмайди. Бу хулосани қутбсизланиш коэфициенти турлича бўлган чизиқлар мавжудлигини кўрсатувчи, этиленгликолнинг моделлаштирилган КС спектрлари таҳлили ҳам тасдиқлайди. КС спектрларида суюқ этиленгликолда молекулалараро боғланиш ҳосил бўлиши полосаларнинг асимметрияси сифатида намоён бўлади. О-Н гуруҳининг деформацион тебранишга тегишли полосалари (1054 $см^{-1}$ ва 1078 $см^{-1}$) ва умумий ярим кенглиги 57 $см^{-1}$ бўлган иккита чизиқдан иборат.

Ноэмпирик ҳисоблашлар натижасида этиленгликолда молекуляр кластерлар ҳосил бўлишида Н-боғланиш муҳим роль ўйнашини аниқладик. Биринчи марта этиленгликоль молекуласида ички молекуляр водород боғланиш мавжудлигини ва бу боғланиш тример молекуласигача сақланиб қолишини кузатдик (4-жадвал). Жадвалдаги натижалардан хулоса қилиш мумкинки, ички молекуляр Н-боғланиш тетрамер кластердан бошлаб сусаяди.

4-жадвал

Этиленгликолнинг молекуляр кластерлари учун ноэмпирик ҳисоблаш (B3LYP усули) натижалари


	Мономер	**Димер**	**Тример**	**Тетрамер**
ΔE*, (ккал/ моль)	53,6	108,2	163,3	214.9
ΔEн, (ккал/ моль)	-	1,0	2,5	1,7
D, (дебай)	2,6	6,4	8,4	2,8

ΔE - изоляцияланган молекулалар учун нол нуқтадаги молекулалар (квант-механик система) нинг тебраниш энергияси.

Бу эса CH_2OH гуруҳларни бир-бирига нисбатан айланиши билан тушунтирилиши мумкин. Бу айланиш молекула охиридаги О-Н боғнинг барьери билан боғлиқ бўлиши мумкин. Умуман айтганда, этиленгликолда ҳар бир CH_2OH гуруҳ билан боғлиқ иккита Н-боғланиш ва занжирли структуралар мавжуд бўлиши мумкин экан. КС спектрларининг таҳлили ва ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, этиленгликоль молекулалари антипараллел йўналган димерларни ҳосил қилади. Суюқ этиленгликолда ички молекуляр ва молекулалараро Н-боғланишларнинг ҳосил бўлиши кластердаги молекулалар сонининг ортиши билан КС спектрларида янада аниқроқ намоён бўлиб боради. Шулардан келиб чиқиб, этиленгликоль икки атомли спиртлар гуруҳига мансублиги туфайли, унинг юқори қайнаш температурасини молекулалараро Н-боғланишларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Молекулалараро ўзаро таъсирларни диметилформамид ва L-аланинда намоён бўлиши” деб номланган бешинчи бобида диметилформамид (ДМФА) ва L-аланин (аланин)га тегишли изоляцияланган молекуляр кластерларни тажриба ва ноэмпирик ҳисоблашлар орқали ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар натижасида ДМФАда донор сифатидаги амино гуруҳ ёрдамида Н-боғланиш ҳосил бўлиши аниқланди. Тажрибадан олинган ДМФАнинг фурье КС спектрлари мураккаб бўлиб, бу мураккаблик С=О и О-Н тебраниш соҳаларида яққол намоён бўлишини аниқладик. Бу фактни изоляцияланган мономер молекуласига тегишли КС спектрларининг ҳам структураси тасдиқлади. Шунинг учун хулоса қилиш мумкинки, ДМФАда турли хил молекуляр кластерлар мавжуд экан. ДМФАнинг

КС спектрларида С-Н валент тебраниши учун 2900-3000 $см^{-1}$, С=О тебраниш учун 1660-1700 $см^{-1}$ частота соҳаларида характеристик полосалар кузатилади (13а-расм). Хусусан, 1660,4 $см^{-1}$ полоса ва CH_3 гуруҳнинг деформацион тебранишлари полосалари учун, бу фикрни тажриба билан мос тушган ҳисоблашларда моделлаштирилган спектрлар ҳам тасдиқлайди. Ўрганиш учун КС спектрида кучли реакцион марказ сифатида намоён бўладиган С=О тебраниш полосасига тегишли соҳани танлаб олдик.




13-расм. ДМФА КС спектрлари: а) суюқ ҳолатда фурье КС спектри; б) турли температураларда С=О тебранишнинг КС спектрлари.

Полосада юқори частоталар соҳаси томонидан асимметрия мавжуд бўлиб, мураккаб кўринишга эга. Тажрибада ДМФАнинг CCl_4 даги эритмасида турли қутбланган ташкил этувчиларининг ярим кенглиги ўзгаришини ва максимумдан ўтишини кузатдик. Бу эса ДМФАда кичик концентрацияларда турли хил молекуляр кластерлар мавжуд, деган хулосани берди. Полоса ярим кенглиги 33,7 $см^{-1}$га тенг, ярим кенгликни камайиши полосани ажралиш шарти ҳисобланади. Бу хулосани ДМФАни паст температураларда олинган С=О тебраниш полосасидаги ўзгаришлар ҳам тасдиқлайди (13б-расм).

Ноэмпирик ҳисоблашлар ДМФАда молекулаларнинг димерланиши CH_3 гуруҳидаги протон иштирокида Н-боғланиш туфайли содир бўлишини кўрсатди. Ҳисоблашларда ДМФА геометрияси дастлаб молекуланинг C_s симметриясига эга, деган тахмин остида оптималлаштирилди. ДМФА молекулалари икки хил барқарор димер структуралар ҳосил қилиши ва молекулалар сонининг янада ортиши билан циклик молекуляр кластерлар ҳосил бўлиши аниқланди (14-расм). КС спектрлари ҳисобланиб, структуралар, молекуланинг атомлари орасидаги боғланиш узунликларининг қийматлари ва кластерлардаги молекулаларнинг ўзаро ориентацияси аниқланди. Қуйидаги 15-расмдан кўринадики, мономерда С=О тебраниш полосаси ν_1=1749,1 $см^{-1}$ да, ёпиқ димер ҳосил бўлганда иккига ажралади (ν_1=1704,9 $см^{-1}$ и ν_2=1734,4 $см^{-1}$) ва паст частоталар соҳасига 44,2 $см^{-1}$ га силжийди. Полоса ν_2 нофаол (раман-активлик 0,13 ва ρ=0,65 га тенг), шунинг учун тажрибада КС спектрларида кузатилмайди. Очиқ турдаги димер ҳосил бўлганда (ν_1=1732,1 $см^{-1}$ ва

ν_2=1746,9 см$^{-1}$) ν_1 полоса паст частота соҳасига силжиш қиймати 17,0 см$^{-1}$ га тенг. Бунда, ν_2 фаол (раман-активлик 7,9 ва ρ=0,62 га тенг), шунинг учун КС спектрида иккита полоса кузатилади ва кластерларнинг энергиялари ҳам мос равишда ўзгаради. Молекулалараро мураккаб кластерлар ҳосил бўлганда NCO гуруҳда заряд тақсимоти ҳам ўзгариши кузатилди. МАЎТ энергиясига кўра ДМФА молекулалари икки хил барқарор димер кластерлар ҳосил қилишини, ёпиқ димер энергияси очиқ димер (ΔE=0.5 ккал/моль) энергиясидан кичик эканлиги аниқланди. ДМФАда энергетик жиҳатдан очиқ турдаги димер (диполь моменти 3,76 D га тенг) ҳосил бўлиши энг қулай эканлигини исботладик.




14-расм. ДМФА КС спектрлари: а) изолацияланган мономер, б) ёпиқ димер, в) очиқ димер, г) тример молекуляр кластерларнинг тузилиши.

Димер ҳосил бўлиши зарядларнинг қайта тақсимланишига ва боғ узунликларининг (кичик) ўзгаришига олиб келади ҳамда бу протон донор

